

## Хаббоб ибн Арат розияллоҳу анҳудан

07:15 / 03.08.2018 5213

Хаббоб ибн Арат розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Аллоҳнинг важҳини истаб ҳижрат қилдик. Ажримиз эса Аллоҳнинг зиммасида бўлди. Биздан баъзилар ажридан ҳеч бир нарса емай, оламдан ўтиб кетишди. Улардан бири Мусъаб ибн Умайр эдилар. Бу киши Уҳуд ғазотида шаҳид бўлдилар. Биттагина намира\* кийимлари бор эди, холос. Агар уни бошларига ёпсак, оёқлари очилиб қолар эди, агар уни оёқларига ёпсак, бошлари очилиб қолар эди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (уни) бошларига ёпишни, оёқларига эса изхир номли ўсимликни қўйишни буюрдилар. Ичимизда ҳосили етилиб, уни териб юрганлар ҳам бор».

Муттафақун алайҳ.

\* Намира – жундан қилинган, оқ-қора йўлли, попук ҳошияли устки кийим.

\* Изхир – Маккада ўсадиган хушбўй ўсимлик.